

O'ZBEKISTON

OYOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 3-AVGUST ■ SESHANBA ■ 90 (27.265) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.



«ЎЗБЕКISTON ҚЎШИҚ БАЙРАМИ»

Ватани севим, суйиб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир!

Ислом КАРИМОВ

Юртимизда истиқлол айёми арафасида ўтказиб келинаётган анъанавий санъат, қўшиқ байрамларидан қўзланган мақсад ёш ижрочиларга, ўзбек миллий қўшиқчилигига алоҳида эътибор бериш, кишлоқлардаги янги-янги истеъдодларни излаб топиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.


Кўни кеча пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театрида Мустиқлигимизнинг ўн уч йиллигига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимиде ўтказилган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан келган иштирокчилар қарнай-сурнай садолари остида, кўтаринки

руҳда кўтиб олинди. Санъатшунос олимлар, ёзувчи-шиорлар ва қўшиқ ижросмандлари қалбиде ҳаяжон. Тадбирни республика маданият ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров кириш сўзи билан очди. Санъат оламига кириб келётган ёш овозлар, мумтоз қўшиқчилик йўналишидаги ижрочиларга алоҳида эътибор бериш, Ватан, миллат ҳақидаги қўшиқларга катта сўхта парвозини тилаш ниятида ташкил этилган ушбу анжуманда вилоятларда ижод қилаётган ёшлар учун кенг имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг иштирокчилар Ватан, Мустиқлик, Истиқлол ҳақидаги қўшиқларини ижро этишди.



Маъзур қўшиқлар Ватан мадҳи, юртни кўз қорачиғида асраш, унинг ривожланиши, гуллаб-яш-



наши учун бор имкониятларимизни ишга солиш, тинчликни сақлаш, Ўзбекистонимизни турли бало-қазолардан асраш каби хис-туйғулар билан йўриган.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, 1-ўрин самарқандлик Умида Ермухаммедовага «Ватаним» қўшиғи учун, 2-ўрин Навоий вилоятидан Шерзод Дароновага, 3-ўрин аса Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари Халима Шомирзаева, «Анор» ашула ва ракс халқ дастаси ҳамда Беғисбой Темирбаевларга насиб этди.

Маъмуржон МАЪМУД,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



БИЛИМЛИЛАР ТАЛАБА БЎЛАДИ

1 август куни мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртиларига талабалар қабул қилиш бўйича давлат тест синовлари бўлиб ўтди

вияда ўтказиш учун бино ва аудиториялар пухта тайёрланган, малакали вакиллар ва кузатувчилар билан таъминланган.

Тошкент ислом университети «Ислом тарихи ва фалсафаси» ҳамда «Фихр, иқтисод ва табиий фанлар» факультетларига бакалаврият йўналиши бўйича 120 нафар талаба қабул қилинади. Абитурентлардан 577 ариза тушган. Бу бир ўринга қарийб беш киши тўғри келади, дегандир.

Тошкент вилоятининг Бекобод туманидан келган Ашрафхон Икромовнинг айтишича, унинг ўғли маъзур университетнинг «Фихр, иқтисод ва табиий фанлар» фа-

культетига ҳужжат топширган.

Бу йил юртимиздаги олий таълим даргоҳларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича 51 миң бир юз етмиш беш нафар ёш қабул қилинади. Талаба бўлиш истагидаги навиқрон авлод вакиллари миқдори эса бундан бир неча баробар кўп. Демак, энг билимли ва иқтидорли ёшлар талаба бўлади.

Нозоқат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири
Суратларда: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент ислом университетида тест синовлари.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

КЕЛИНГ, ХАРИД ҚИЛИНГ!

Айтишларича, қирқинчи йилларнинг охири, эллигинчи йилларнинг бошларида Шаҳрисабз туманининг Ҳожибайдон қишлоғи яқинида саз тупроқ манбаи топилиб, бир ишбилармоннинг лойидан черепча (томёпқич) ишлаб чиқаришга ўзига хос корхона қуришга киришган экан...

Кейин-кейин у унутилиб мустақиллик йиллари, аниқроғи, 2003 йилда Китоб туманида замонавий «Қашангара» — Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасига асос солинди. Ҳамкорлар ўз олдидеги тармоқнинг даврбог турларини ишлаб чиқаришга киришди. Зарур ускуна-

лар келтирилиб, ишчилар малакаси оширилди.

Хозир қўшма корхонада ҳар куни 1000 дондан зиёдроқ черепчалар тайёрланмоқда. Келажакда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ошиб, сифат ҳам яхшиланиб боради.

Юнус УЗОҚОВ

ТЕРРОРЧИЛАР ҲАРАКАТЛАРИ ҚОРАЛАНМОҚДА

30 июль куни Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳуружлари муносабати билан қатор халқаро ташкилотлар ва давлатлар раҳбарлари берган баёнотларда ушбу муҳим жиноят кескин қораланмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ва қурбон бўлганлар оилаларига ҳамдардлик билдирилмоқда.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиб-бининг баёнотида ушбу жиноий ҳаракатларни ўта кескин тарзда қоралаши айти-

лан чикди: «Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қоралаймиз. Беғунхоқ одамлар қурбон бўлдилар. Биз ҳар қандай ҳолатда ҳам каби ҳаракатларни оқлай олмаймиз. Мен Ўзбекистон ҳукумати маъзур террорчилик ҳаракатлари ижрочиларини топиб, уларни одил судга тортишда барча имкониятларни ишга солишига ишонаман.

Ўзбекистон раҳбариятининг терроризмга қарши курашдаги қатъияти ва Ўзбекистоннинг бу офатга қарши глобал урушда АҚШнинг ишончли ҳамкори эканига ишончим комил».

Ўлимига сабаб бўлган ва ҳавфсизлигини бузиш мақсадида содир этилган ушбу террорчилик ҳаракатларини қоралаб, минтақада ва дунёда терроризмга қарши ҳамкорликдаги курашни қучайтириш зарурлигини таъкидлади», — дейилди ташқи ишлар вазирлиги раҳбари Абдулганининг ҳукумат номидан қилган мурожаатида.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенонинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига йўллаган таъзияномасида шундай дейилди:

«Қурбонлар бўлишига сабаб бўлган Тошкентдаги портлашлар тўғрисидаги хабар Беларусь Республикасида қайғу билан қабул қилинди. Мамлакатимиз терроризмининг барча кўринишларига қарши қатъий кураш олиб боради ва ушбу жиноят ташкилотчиларни қилишларига яраша жазоланишига ишонади».

Беларусь халқи ва шахсан ўз номидан Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига чучуқ ҳамдардлик билдираман».

Шунингдек, телефон орқали бўлиб ўтган мулоқот чоғида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ўз ҳамдардчилигини билдирди.

«Жаҳон» АА

Юртимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил амалга ошириляпти. Таълим тизимига жорий этилган тест-синов усули ёшлар билимини холисона аниқлаш ва олий ўқув юртиларига энг иқтидорли йигит-қизларни қабул қилишда адолатли ва мақбул усул экани эътироф этилган.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига бу йил

режага кўра бакалаврият йўналиши бўйича 240 нафар талаба қабул қилинади. Талаба бўлиш истагидаги ёшлардан эса мингга яқин ариза тушган. Уларнинг ўн икки нафари — фанлар бўйича республика олимпиадалари голибларидир.

Университетда бу галги тест синовлари ҳам ботартиб, уюшқоқлик билан, адолатли ва холислик таъминланган ҳолда ўтаётганининг гувоҳи бўлдик. Тест жараёнини амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ, юксак са-

Юртимизда ёз фаслининг охириг ойна бошланди. Табиат ёғин-сочин мавсумига яқинлашганда оғолантираётгандек — тунда ёмғир ёғиб, тонгда шунга яраша салқин эпкинлар эсмоқда.

Пойтахтимизда ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Шаҳар кўчалари, сўлим хибонлар гавжум. Ҳамюртларимиз кундалик турмуш ташвишлари билан машғул. Ким ишга шошган, кимдир ишдан қайтмоқда. Кимдир оила аъзолари би-

Пойтахтимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Яқинда бу ерда рўй берган террорчилик ҳаракатлари юртошларимизнинг некбин ва бунёдкорлик кайфиятига, юртимизнинг бугунги куни

ЎЗ УЙИМИЗНИ, ЎЗ ЮРТИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙМИЗ!

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

31 июль куни Оқсаройда Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари бўйича ташкил этилган Ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди. Тегишли хизматлар ва идоралар раҳбарлари содир этилган портлашлар билан боғлиқ фактларнинг таҳлили ҳамда уларни текшириш борасида кўрилаётган аниқ чоралар тўғрисида ахборот берди.

Ингилишда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга эътибор қаратилди. Террорчилик ҳаракатларининг такрорланмаслиги учун зарур чоралар кўрилгани, пойтахтимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон экан-

лиги, хавотир учун ҳеч қандай асос йўқлиги қайд қилинди.

Атрофича ва чуқур текширувни амалга ошириш, террорчилик ҳаракатларининг сабаблари ва ижрочиларини аниқлаш ишларини қучайтириш, хусусан, террорчиларнинг шахси ва уларнинг кимлар билан алоқадорлигини, ортда кимлар турганини жиддий текшириш юзасидан қатъий кўрсатмалар берилди.

Президентимиз террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур ҳамдардлик билдирди. Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун барча чора-тадбирлар кўрилиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА)

Март ойининг охири, апрель ойининг бошида Тошкент шаҳри, вилояти ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида содир этилган муҳим ҳужжатлар ҳақи ҳеч кимнинг хотирасидан кўтарилган эмас. Уша машъум жиноятни содир этган газондаларнинг иши Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилаётган бир пайтда пойтахтимизда яна террорчилик ҳаракати рўй берди. 30 июль куни соат 16.45-17.00 да АҚШ ва Исроилнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан олдиде ўзини ўзи портлатган террорчилар томонидан муҳим жиноятлар содир этилди.

Оқиботда бир милиция ва бир нафар миллий ҳавфсизлик хизмати ходими ҳалок бўлди. 9 киши жароҳатланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида Ҳукумат комиссияси тузилди. Тергов ишлари олиб борилмоқда. Террорчиларнинг шахси ва уларнинг алоқаларини аниқлаш чоратадбирлари кўрилмоқда. Айна пайтда элчихоналар ва бошқа муҳим объектларни кўриш, террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган чоралар қучайтирилди.

Халок бўлганлардан бири Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги пост патрүл хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси хорийки давлатлар дипломатик ваколатхоналарини кўриклашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони милиционерни, милиция сафдори Иштиёр Ҳақимов эди. У 1981 йил 9 апрель куни Тошкент туманидаги «Шамсод» маҳалласида турилган. 1998 йили Тошкент шаҳар Кўнубод туманидаги 202-мактабни тамомлаган. Сўнг харбий

хизматда бўлган. 2003 йил 12 декабрдан буён маъзур вазифада ишлар эди. Иштиёр Ҳақимов АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси олдиде ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида портлаш натижасида ҳалок бўлди.

— Ички ишлар вазирлиги академиясида ўқиш ўқилинган орзуси эди, — дейди Иштиёр Ҳақимовнинг отаси Бахтиёр Ҳақимов. — Мактабни тугатган йили ҳужжатларини топширди, киролмади. Иккинчи йил яна топширди, яна омади чопмади. У жуда ҳам

қатъиятли бола эди. Ўз ниятидан қайтмади. Барибир шу академияда ўқийман, деб қаттиқ ният қилди. Орада харбий хизматга чақирилди. Тунги фарзанди армия сафарида хизмат қилиш хар бир отанинг фахри бўлса керак. Мен унинг олдиде кўргани борганида бир неча бор қисм командирларидан шундай ўғил ўстирганим учун раҳматлар эшитганиман...

Хизматдан қайтганидан сўнг «Ўғлим, кел энди сен ҳам ота қисмини қил. Автокорхонамида иш бор. Шоферлик қила қол» дедим. У бўлса: «Дада, мен ҳаммиша шоферман. Лекин, миллияда ишлаш меннинг орзум», деб Ички ишлар вазирлигига ишга кирди.

Жума куни тонг сахарида ишга отланиб, машинани гараждан чиқариб турганимда, онаси билан ёнимга келди. «Дада, ўзингни кўп ҳам уринтириб қўйма. Тушлик вақтида бир-икки соат дам

олиб олинг», деди. Уша вақтда унинг кўзига бир бокдим-у, нимани кўрдим, билмайман. У негадир хар доимидан бошқача эди. Шунда мен ҳам бехосдан: «Хавотир олма, болам, ўзингни эҳтиёт қил», дедим. «Дада, жуда хохлаша ҳаммаси яхши бўлади» дедиде ишга кетди... Ушанда уни охири марта кўриб турганимни қаердан билай...

Иккинчи ўғлим Донийр ҳам акасининг изидан бормоқчи. ИИВ академиясига ўқишга кириб, акасининг йўлини давом эттирмоқчи.

Мапрат ҲАҚИМОВА, Иштиёрнинг онаси:

— Жума тонгида ишга кетиш олдидан у юзларидан ўтди, укаларига «ойимга яхши қараб ўтиринлар, ишларига қарашинлар», деб тайинлади. Менга, дадасига жуда меҳрибон эди...

Яқинда энг аста янги уй сотиб олган эди. Ўзи уйни қайтадан таъмирлади...

лади. Дипломатик миссиялар ва тинч аҳолига нисбатан содир этилган ҳужумлар оқлаб бўлмайдиган жиноятдир.

Европа Иттифоқи Умумий ташқи сийбати ва ҳавфсизлик сийбати бўйича олий вакили Хавьер Солана ўз баёнотида кўйилганларни қайд этган: «Мен Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан чуқур лараза келдим ва ташвишга тушдим. Ушбу муҳим воқеалар натижасида қурбон бўлганлар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматида чуқур ҳамдардлик билдираман».

АҚШ Давлат қотиби Колин Паулз кўйилган баёнот бил-

ди. Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида шундай дейилди:

«Москва мамлакатда вазианти беқарорлаштириш, аҳоли ўртасида қўқув ва ишонсизлик туғдириш мақсадида Тошкентда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралайди. Дўст Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи билан бирдамлигимизни билдириб, халқаро терроризмининг барча кўринишларига қарши муросасиз курашда жаҳон ҳам-жамияти сай-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича Россиянинг қатъий позициясини тасдиқлаймиз».

«Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати беғунхоқ фуқаролар

«КУЗДА ТҮЙИНИ ҚИЛИБ, УНИ УЙЛАНТИРМОҚЧИ ЭДИК...»

кўришга бола эди. Ўз ниятидан қайтмади. Барибир шу академияда ўқийман, деб қаттиқ ният қилди. Орада харбий хизматга чақирилди. Тунги фарзанди армия сафарида хизмат қилиш хар бир отанинг фахри бўлса керак. Мен унинг олдиде кўргани борганида бир неча бор қисм командирларидан шундай ўғил ўстирганим учун раҳматлар эшитганиман...

Хизматдан қайтганидан сўнг «Ўғлим, кел энди сен ҳам ота қисмини қил. Автокорхонамида иш бор. Шоферлик қила қол» дедим. У бўлса: «Дада, мен ҳаммиша шоферман. Лекин, миллияда ишлаш меннинг орзум», деб Ички ишлар вазирлигига ишга кирди.

Жума куни тонг сахарида ишга отланиб, машинани гараждан чиқариб турганимда, онаси билан ёнимга келди. «Дада, ўзингни кўп ҳам уринтириб қўйма. Тушлик вақтида бир-икки соат дам

олиб олинг», деди. Уша вақтда унинг кўзига бир бокдим-у, нимани кўрдим, билмайман. У негадир хар доимидан бошқача эди. Шунда мен ҳам бехосдан: «Хавотир олма, болам, ўзингни эҳтиёт қил», дедим. «Дада, жуда хохлаша ҳаммаси яхши бўлади» дедиде ишга кетди... Ушанда уни охири марта кўриб турганимни қаердан билай...

Иккинчи ўғлим Донийр ҳам акасининг изидан бормоқчи. ИИВ академиясига ўқишга кириб, акасининг йўлини давом эттирмоқчи.

Мапрат ҲАҚИМОВА, Иштиёрнинг онаси:

— Жума тонгида ишга кетиш олдидан у юзларидан ўтди, укаларига «ойимга яхши қараб ўтиринлар, ишларига қарашинлар», деб тайинлади. Менга, дадасига жуда меҳрибон эди...

Она оғир дард, алам, кўз ёш билан гапирарди.

Кузда тўйини қилиб, уни уйлантирмоқчи, орзу-хавасини қўймоқчи эдик. Бир-иккита қизларни айтганимда «кўз остига олган қизим бор», деганди. Унинг ким эканлигини ҳам айтиб улгурмади. Орзу-хавасини кўролмай қолдим... Эл-юртга тўй бермоқчи эдик... Унинг орзу-истаклари ҳужда-жуда кўп эди. Укаларини ўқитмоқчи, ўзи ҳам ўқимоқчи эди. Болагиман ниятига етолмади...

— Иштиёр билан бир синфда ўқиганимиз, — дейди ИИВ академияси иккинчи курс магистранти Бахтиёр Худойбергенов. — Унинг нияти академияда ўқиш эди. Дўстларимиз орасида катта ҳурмат-эътиборга эга, жуда жонқуяр, меҳнатсевар, қалби пок, камтар, содда йигит эди. Менимча, шу жиноятчиларнинг олдига ҳам унинг ўзи яқинлашган, балки,

ҳужжатларини текшириб кўрмоқчи, ўз хизмат вазифасини адо этмоқчи бўлган бўлса керак...

Яна бир беғунхоқ инсон, навиқрон йигит террор қурбони бўлди. Яна бир оила бошига қуфлат тушди. Яна бир ота-онанинг бағри қон бўлди. Террор деганлари ёшимиздан, қариндасидан, деб сурштириб ўтирма экан. Дўст келгани домига тортар экан... Ўз ўлимида, маҳалламизда, наш жойимизда доми хушёр, оғох бўлишимиз зарурлигини ҳаётинг ўзи яна бир бор кўрсатиб турибди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



«Жаҳон» АА

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗГА РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ

лан сайрга чиққан. Яна кимлардир бозор-учарга отланган. Ёзи таътили шаҳарда — мўъжаз кўлар бўйида, қумуш фаворалар ёнида, дилқушо болларда ўтказилган бола-жонларнинг шодон кийкириқлари дилларга хушнудлик бахш этади.

Қайноқ ҳаёт оғушидаги фусункор томошоғолар, тарихий обидалару қутлуг қадам-жолар, маданият қошоналарини кўркам замонавий иморатлар олдиде, одатдагидек, хорийлик меҳмонлар ўз хайрат ва ҳаяжонини фотоаппарату видеокамераларга муҳрлайди.

ва келажакга бўлган ишончига заррача ҳам соя солгани йўқ. Ганимларимиз кутгани ё йўлагандек, бу воқеалар кишиларимизни ваҳима ва хавотирга туширмади. Аксинча, бахту иқболимизни кўролмайдиган ёвуз кучлар томонидан содир этилган портлашлар юртошларимизни янада жипс-лаштирди, янада хушёрлик ва сезгирликка ундади. Юракларимизда бир-биримизга нисбатан меҳр-оқибат ошди, ганимларимизга нафрат кучайди.

(Давоми 2-бетда.)



ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT SHAHAR MUNICIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HAKMORI!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz

O'zbekiston havo yo'lari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz

Мамлакатимизда шу йил декабрь ойида илк бор икки палатали парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказилган сайловлар ҳалқимиз ҳаётида гоят муҳим сиёсий воқеа бўлади. Сайловда кампаниясида сиёсий овоз доирасида иш тутиш бўлажак сайловнинг уюшқоқлик билан юксак савияда ўтишини таъминлайди.

ЎзА мухбири Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари, профессор Баҳодир ЭРГАШЕВ билан сайловда кампаниясида депутатликка номзодларнинг сиёсий одоб қондаларига риоя этиш муаммолари ҳақида суҳбатлашди.

— Сиёсий рақобат сайловда кампаниясининг муҳим қисми ҳисобланади, — дейди Б.Эргашев. — Айнан партиалар ўртасидаги кураш шароитида энг самарали сиёсий платформа, энг муносиб депутатликка номзодлар, мамлакат парламенти учун энг мақбул депутатлар корпуси шаклланади. Партиаларнинг сиёсий рақобат жамият ва фуқароларнинг маданияти ва билими, дунёқараши ва саводхонлиги ҳамда бағрикенглигини синдовдан ўтказадиган жиддий имтиҳондир. Соғлом сиёсий амбициялар қанчалик юқори бўлса, ҳар бир партианинг ўз хатти-ҳаракати учун масъуляти ҳам шунчалик ортиши керак.

Халқаро сайлов андозалари депутатликка номзоднинг сайловчилар ва бошқа номзодлар билан бўладиган муносабатларини белгилаб берувчи маълум одоб қондаларини қамраб олади. Жумладан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг

риш, тенглик ва ҳурфикрлик кафолати тўғрисидаги 117-моддасида қайд этилган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида, биринчидан, сайловчилар ўнгиллиларини тенглик шароитида ўтказиш, Иккинчидан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишдаги тенглик,

ларни ташкил этиш ва ўтказиш қонунчилигини бузиш, сайлаш ҳуқуқини амалга ошириш ва ишончли вакиллар ваколатларига бўладиган тўсиқлар тўғрисида қондалар бор. Шунинг таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги сиёсий партиалар — ҳамкорликдаги фаолиятнинг устувор йўналишларини аниқлашда ҳам, сиёсий рақобат қондаларини

Жорий йилда мамлакатимизда, шу жумладан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ўндан кўп партиаларо учрашув ҳамда сиёсий партиалар раҳбарлари ва фаолларнинг давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларнинг деярли барчасида сиёсий рақобат масалалари муҳокама этилди. Фикримизча, аввал ҳам, бугунги кунда

кенг, шаклан қисқа бу қондалар яқин бир-икки ой ичида ишлаб чиқиши ва, имкон даражасида, уларга сиёсий партиаларнинг ҳам марказий, ҳам вилоят бўлинмалари томонидан амал қилиниши зарур. Шунинг ҳам қайд этиш кераки, «Одоб кодекси»да маҳаллий менталитет ва миллий психологиянинг ўзига хос хусусиятлари инобатта олини-

дий фикри овозларнинг танқидига эмас, балки рақиб фойдасига ўтиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Аммо партиаларнинг қўрилишининг бугунги амалиёти сиёсий одоб қондаларини қабул қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ кўпгина ижобий ҳолатларга гувоҳ бўлган. Биринчи босқич, «Одоб кодекси» ташаббусининг Марказий

«шартнома» деб аталиши мумкин, қонун, сайлов қончилиги ва ҳуқуқий воситаларнинг ҳар қандай партия, гуруҳ ва шахсий манфаатлардан ўстунлигини, Марказий сайлов комиссиясини эса партиаларнинг ижтимоий масъуллигини ошириш, уларнинг ёлгон шир-

САЙЛОВОЛДИ КАМПАНИЯСИ: ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР ВА

(ЕХТ) Демократик институтлар ва Инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИХБ) талабларида сайловлар қўри даражада ўтишини таъминлаш учун «номзодлар зўравонлик ва ҳар қандай нолойиқ, ташвиқот шаклидан фойдаланмаслик кодексини қабул қилишлари мумкин», дейилган. Шубҳасиз, ушбу масала, биринчидан, этик, ахлоқий моҳиятта эга бўлса, иккинчидан, номзодларга ва, айниқса, уларнинг номзодини кўрсатаётган сиёсий партиалар раҳбарларига катта масъуляти юклайди.

Сиёсий одобнинг халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган қондалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг овоз бе-

Учинчидан, тенг моддий шароитлар, Тўртинчидан, уруш, зўравонлик ва низооларни тарғиб қилишдан воз кечиш. Бешинчидан, сайловчиларга пул маблағлари беришнинг таъкидлаши қайд этилган. Қонун билан мустақамланган ана шу бешта шарт депутатликка номзодларга сиёсий рақобат қондаларига риоя қилиш учун ишончли ҳуқуқий асос яратди. «Сиёсий партиаларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида, ўз навбатида, сиёсий партиаларга хайрия ёрдамларини кўрсатишдаги чеклашлар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-ва 147-моддаларида сайлов-

ишлаб чиқишда ҳам бой таърибга эгадир. Масалан, ЕХТнинг зикр этилган бюроси ҳам Ўзбекистоннинг 1999 йилдаги парламент сайловларида барча бешта партия ва уларнинг номзодлари миллий ахборот воситаларида тенг вақт ва ўринга эга бўлганлигини тан олди. 2000 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистоннинг сиёсий партиалари жамиятини жиқлаштириш, тинчлик ва оқсоқилликни мустақамлаш, аҳоли фаоллигини оширишга қаратилган вазифаларни биргаликда енчи тўғрисида қўшма баёнот қабул қилди. Шундай қилиб, мамлакатимизда сиёсий одоб қондаларини тақомиллаштириш учун ишончли ташкилий асос яратилган.

хам партиаларо келишмовчилик ва низоолар қайд этилмаганлиги айнан етакчилар корпусининг сиёсий иродаси ва донишмандлигининг натижасидир. Бу ҳолат, ўз навбатида, партиалар раҳбарларининг шахсий алоқаларини ривожлантириши, сайлов кампаниясининг асосий субъектлари, шу жумладан сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатган номзодлар томонидан «Одоб кодекси» қабул қилинишини таъқозо этади. Ўзбекистондаги бу йилги сайлов кампаниясининг ўзига хослиги, хусусан, сиёсий партиалар ролини ошириш, сиёсий рақобат қондаларига риоя этиш бўйича янада кўпроқ мажбуриятлари келтириб чиқаради. Мазмунан

ши лозим. Ўзгалар таърибасини курак кўчириб олиш бу борада салбий натижаларга олиб келади. — Бу ҳақда хорижий мамлакатлар таърибаси бора-сида ҳам тўхталсангиз. — Хориж таърибаси хусусида шунинг айтиш лозимки, кўппартиявийлик тизимининг ўзига хос хусусиятларига кўра, Ўзбекистон учун уни тўлиқ қабул қилишнинг имкони йўқ. Масалан, АҚШдаги иккипартиялик тизими сайлов жараёни субъектлари сонини икки-учтадангина иборат бўлишига олиб келади. Рақибларнинг бу микдори сиёсий рақобатни янада қучайтиради. Беш ва ундан зиёд партия ўртасида рақобат бўлса, муҳолифининг ҳар қандай танқи-

сайлов комиссияси томонидан тан олинмиши ва тасдиқланишини назарда тутди. Иккинчи босқич яна Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида партиаларо тадбир ўтказилишидан иборат (ушбу тадбир, масалан, сиёсий партиаларнинг кўргазма ёки форуми ҳам бўлиши мумкин). Ва, ниятат, учинчи босқич — бу барча томонлар қабул қиладиган ҳужжатни имзолаш ва сайлов жараёнининг асосий субъектлари ҳамда айрим оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат Жамоатчилик қўшма кенгаши тузишдан иборатдир. Одоб қондаларини тартибга солиш ушбу ҳужжат (у «хартия», «декларация»,

лардан фойдаланишига, аҳоли ўртасида сунъий равишда пессимизм (ишонсизлик) ва кўрқувни келтириб чиқаришига қарши чикиш, у ёки бу депутатликка номзодини қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланиладиган «маъмурий ресурс», яъни сайловчилар хоши-иродасига таъйик ўтказиш учун хизмат лавозимига суянишни рад этиш, сайловчиларга ахборотни етказиш ва давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишида тенг имконияти яратиш, нотўғри, ишончли ҳамда расмий манбага эга бўлмаган ахборот тарқатиш амалиётига чек қўйишдан иборат бандларни қамраб олиши мумкин.

ЎзХДП ташкилотлари конференциялари

Сирдарё вилоят партия ташкилотининг III конференцияси бўлиб ўтди. Вилоят партия кенгашининг 1999-2004 йиллар мобайнидаги фаолияти ва унинг келгусидаги устувор йўналишлари тўғрисида вилоят партия кенгаши биринчи котиби Абдумалик Қўчқоралиев маъруза қилди. Шунингдек, вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссияси раиси Х.Сайдуллаевнинг ҳам маърузаси тингланди.

Бугунги кунда вилоятда 360 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Хисобот давомида партия ташкилотлари ташкилий-ғоявий жиҳатдан анча мустақамланди. Вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари фаолиятида парламентчилик ишига алоҳида эътибор берилди. 1999 йилда бўлиб ўтган барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларига ўтказилган сайловларда муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон ХДП номзодлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари ишига муносиб ҳисса қўшдилар. Барча сайлов округлари доирасида партия гуруҳларини тузиш, улар фаолиятини йўлга қўйиш ижобий самара берди.

Маърузачи вилоят партия ташкилотининг конференцияси гоят масъулятли бир даврда бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидларкан, ҳисобот даврида партия ташкилотларининг фаолиятига баҳо берди, эришган муваффақиятлар, йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар ҳақида рўй-роост гапирди. Партия ташкилотларининг фаолияти тўлиқ, батафсил таҳлил этилиб, камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш ҳамда сиёсий-маърифий, тарбиявий,

тарғибот-ташвиқот ишларини давр талаблари даражасига кўтариш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Вилоят партия ташкилотла-

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг VII пленуми қарорига досан апрель-июнь ойларида бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йўналишлари, шаҳар ва туман партия ташкилотлари конференциялари бўлиб ўтди. Партия ташкилотлари ўз аъзолари олдига ҳисоб бердилар, партия ташкилотларининг обрўсини, нуфузини ошириш, партиаларнинг ташкилий, оммавий-сиёсий тарғибот ишларини давр талаб-

ташкилотларида ҳисобот-сайлов йўналишларини ўтказиш жараёни партия ташкилотлари учун ўзига хос фазолик кўригига айланиши лозим эди. Чунки вилоят партия ташкилотлари бошқа жамоат ташкилотлари билан мустақам ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда, сиёсий-оммавий тадбирларда ҳам аҳолининг барча қатламлари қамраб олинмоқда. Бу борада «Мулоқот» — сиёсий-мунозара клубларининг фаолияти энг мақбул воситадир. Айни кунда 12 та ана шундай клублар ишлаб турибди, уларнинг

парламентни ташкил этишнинг моҳиятини тушуниришда катта аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, вилоят кенгашининг ўз наشري бўлмаганлиги сабабли сиёсий плакатлар нашр этиш йўлга қўйилган.

Вилоят партия ташкилоти конференциясида партия сафларини оғли, тафаккури юксак, янгича фикрлайдиган ёшлар, тадбиркорлар, фермерлар, хотин-қизлар ҳисобига ўстириш лозимлиги таъкидланди. Ҳисобот даврида ХДП сафларига 4990 нафар янги аъзо қўшилди. Бошланғич партия

бўлими раиси Х.Назарова, Сирдарё ГРЭСи директори ўринбосари С.Ерибеков ва бошқалар партия ташкилотларининг ислохотлардаги иштирокини фаолаштириш, боқимандалик, ижтимоий сустилик каби иллатларга қарши курашиш, бўлажак ялпи сайловлар муносабати билан ХДП ташкилотлари олдига турган муҳим масалаларга алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, Меҳр ва мурув-уш йили тадбирларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарориди қўйилган вазифаларни бажариш, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш масалалари конференция иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Делегатлар вилоят партия ташкилоти кенгаши ва тафтиш комиссиясини, вилоят партия ташкилотининг ХДП Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш комиссияси тарғибига вакилларини ҳамда Ўзбекистон ХДП IV курултойига делегатлар сайладилар.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП МК котиби С.Усмонов сўзга чиқди.

Конференцияда сайланган вилоят партия кенгашининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Сирдарё вилоят партия кенгаши биринчи котиби Абдумалик Қўчқоралиев, иккинчи котиби эди Алишер Тошматов сайландилар. Ҳаётно Ортиқбоева

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗГА РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу, аввало, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тинчлиги ва ҳавфсизлигига таҳдид қўлувчи, эл-юртимизга қарши қаратилган бундай фитна ва хатарлар қайта тақорланмаслиги учун тезкорлик билан кўрган катъий ва зарур чораларни мисолида яқоқ намоеён бўлди.

Бунинг асосининг жиқлиги ва қучли иродаси тимсолида ҳам аниқ ва равшан кўриш мумкин. Портлашлар оқибатида ҳаётдан қўз юмган ватандошларимиз хонадонларидан уларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик ихор этиш, кўнгил сўраш учун келувчиларнинг қадами узилмаётти.

Масъулятли ва оғир дамларда бир-бирига ҳамдам, далда ва суян бўлиш халқимизнинг азалии одати. Бу гал ҳам шундай бўлди. Узаро суҳбатларда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда юртдошларимиз бўлиб ўтган воқеага ўларнинг катъий муносабатини билдирмоқдалар. Бундай таж-

вуз ва террорчилик хуружларининг бошида турганлар халқимизнинг кеҳисиз нафратига лойик экани, ҳеч қим қачон мустақиллигимизга, овоз ва бахтли ҳаётимизга, тинчлик ва осойишталигимизга раҳна солмаслиги баралла айтилмоқда.

Бугун замондош ва ватандошларимизнинг фикру зикридаги яқона ва эзгу мақсад-муқддо, яқонда хоҳиш-ирода шу: Ушбу кўтлуғ заминда яшаётган қатъий ва кичик барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши катъий таҳдид билан курашайлик. Оғоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлайлик. Зеро, Президентимиз Ислам Қўрғонини давлати — «Ўз уйинини, ўз юртининг ўзини асра» деган широнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини кўз қорачиқдек сақлашга ҳар биримиз баб-баравар масъулмиз.

Фулом МИРЗО, ЎзА шарҳловчиси

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

САЙЛОВЧИЛАР САЙЛОВГА ТАЙЁРМИ?

ЁКИ БЎЛАЖАК ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИДА АРНАСОЙЛИК САЙЛОВЧИЛАР ҚАЙСИ ПАРТИЯГА ЭРГАШИШИ, КИМЛАРНИНГ НОМЗОДИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ ОВОЗ БЕРИШИ МУМКИН?

Декабрь ойида бўладиган сайловларга ҳам яқин қолапти. Ҳўш, бундай шароитда сайловчилар сайловларга қай даражада ҳозирлик кўраёттир, уларнинг бу галги сайловлар, икки палатали парламент ҳақидаги, Қўйи палата ва Сенатнинг нима эканлиги тўғрисидаги тушунчалари қандай? Қолаверса, Халқ демократик партиясининг қуйи бўғинларида сайловолди тайёргарлик ишлари қай аҳволда? Умуман, партианинг туман бўғинлари бугун қандай сиёсий қийфага эга? Уларнинг халқ ичидаги, сайловчилар ўртасидаги маъвеки, обрўси ҳақида нималар дейиш мумкин?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Арнасой туманида бўлиб ўтган 44 шў, касб-кор эгаларини суҳбатга тортидик.

Норбек ҚАРШИЕВ, тадбиркор, 44 шў: — Халқ демократик партия-

си дейсизми? Нима десам экан? Шундай партия тўғрисида эшитганману, лекин бизнинг туманда бор-йўқлигини билмайман.

Рухсора ОЧИЛОВА, «Фарҳод» хусусий дўкони сотувчиси, 23 ёш: — Партиями? Шунинг билмиш шартми? Бор бўлса, бордир. Лекин менга қизиғи йўқ. Биз учун харидор қўлайса, дўконидамада махсулотлар тезроқ сотилса бўлди.

Сайёра РАВШАНОВА, 46 ёш: — Туманимизда 2-3 та партия тузилган, дейишди. Очиги, уларнинг нима иш билан шуғулланишини билмайман. Ҳатто, бор-йўқлиги ҳам сезилмайди. Ҳозирча фалон партия фалондай иш қилди ёки фалон тадбирга бош-қош бўлди, деб эшитганим йўқ. Ҳўш ХДП аъзоси эдим. Яқинда тадбиркорлик билан шуғуллансам балки нафи тегиб

қолар, деган илнжда Либерал демократик партияга кириш учун ариза бердим.

Эътибор АБДУЛЛАЕВА, ўқитувчи, 31 ёш: — Сайлов бўлишини билманман. Аммо, қачон бўлишидан хабарим йўқ. Икки палатали парламент дейсизми? Унинг нималигини сайлов кўни тушуниб олармик.

Фарида БАСТАМОВА, «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, 41 ёш: — Нимасини айтмай? Тўғри, партиалар йўқ эмас, бор. Туманимизда ҳам учтами, тўртта партия расман тузилган. Афсуски, қозғозда тузилган, амалда эса... Масалан, ХДПни олайлик. Очиги, ХДП туман кенгашининг етакчиси кимлигиниям билмаймик.

Баҳодир МАМАДАЛИЕВ, тадбиркор, 43 ёш: — Сайлов ҳақида эшитганман. Қатнашамиз, ўзимизга

маъқул номзод учун овоз берамик. Икки палатали парламент ва бу гал сайланадиган депутатларнинг олдингиларидан фарқи масаласига келсак... Тўғриси, хали бу ҳақда ўқимган эканман.

Ахвол кўриб турганимиздек. Аслида бу одамлар бўлажак сайловда айнан у ёки бу номзодни қўллаб-қувватлаб овоз берадиган, сайлайдиган сайловчилар. Бошқача айтганда, мамлакат сиёсий ҳаётда иштирок этадиган одамлар.

Ҳақли савол тўғилади: нега улар бўлуси сайловлар тўғрисида, икки палатали парламент, қўйи — Қонунчилик палатаси ва қўри палата — Сенатнинг ваколатлари ҳал этишда муқобил тақлифлар билан чиқишлари, халқ ичига, одамлар орасига кириб боришлари лозим бўлмайдими? Афсуски, Арнасойда бундай ҳолни кўрмадик. Масалаяга ой-

ташкилотлари бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида ХДПга хайрихоҳлар орасидан партия сафларини ўстиришлари зарур. Айниқса, хотин-қизларимиз фаолиятини оширишда, уларнинг оила, жамиятдаги обрўсини, маъвекини юксалтиришда уларни партия сафларига жалб қилиш муҳимдир.


Музокараларда сўзга чиққан Гулистон шаҳар партия кенгаши биринчи котиби А.Тошматов, «Маҳалла» барчамаси вилоят бўлими раиси Р.Абдураҳмонов, Янгиер шаҳар партия кенгаши биринчи котиби С.Каримов, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси вилоят

динлик киритиш учун Халқ демократик партияси туман кенгашига борганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Биринчи котиб Марат Қозоқовдан ижроия бюронинг иш режасини сўраганимизда турли баҳоналарни қалаштириб ташладик-у, лекин топиб кўрсатолмадик. Сездикки, режа ё йўқ ёки хом-хотала, улда-жўлда. Табиийки, партианинг марказий нашрига буна масаласи билан ҳам қизиқдик. Марказий Кенгаш томонидан қайта-қайта айтилишига, ҳатто бу ҳақда қарор қабул қилинишига қарамасдан туман кенгашининг ўзида на «Ўзбекистон овози», на «Голос Ўзбекистани» газетасида 2004 йил учун буна бўлилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Энди ўзингиз хулоса чиқаринг: бундай шароитда бўлажак сайловларда арнасойлик сайловчилар қайси партияга кўпроқ эргашади, кимларнинг номзодини ёқлаб овоз беради? Бу муҳим сиёсий тадбирда партия лидерининг хизмати қай даражада бўлиши мумкин?..

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ОМАД КЕЛМАСА ҚИЙИН ЭКАН...



Бугун Хитойда футбол бўйича XIII Осиё чемпионати ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Хитой — Эрон, Бахрайн — Япония терма жамоалари финалчилар номини аниқлаш учун майдонга чиқадилар.

Жума ва шанба кунлари уюштирилган чорак финал ўйинларидан кейин энг кучли терма жамоалар навбатдаги босқичга йўланма олди. Эътиборлиси, ўтказилган тўрт учрашунинг иккитасида голбилар пенальтилар сериясидан сўнг аниқланди. Бу борда омад Бахрайн терма жамоасига кулиб боқди — 3:4.

Мазкур босқичнинг қолган учрашувлари ҳам мurosасиз ва ҳужумкор руҳда яқунланди. Япония — Иордания терма жамоа-

қулай вазиятлардан унумли фойдалана олмаганликлари туфайли Ўзбекистон терма жамоаси тайёр галабани қўлдан чиқарди — 2:2. Учрашунинг асосий вақтида вакилларимиздан тўпларни Александр Гейрих ҳамда Владимир Шишеловлар киритди. Сўнгра, мусобақа низомига кўра, қўшимча вақт белгиланди. Унда ҳам ҳисоб ўзгармади. Натижада кейинги босқичга йўланма олган жамоа номи пенальтилар сериясидан сўнг аниқланди. Бу борда омад Бахрайн терма жамоасига кулиб боқди — 3:4.

Мазкур босқичнинг қолган учрашувлари ҳам мurosасиз ва ҳужумкор руҳда яқунланди. Япония — Иордания терма жамоа-

рашувини стадионда туриб кутатган Иордания қироли Абдуллоҳ II ўйин мобайнида футболчиларини қарсақлар билан қўллаб-қувватлаб турди. Аммо унинг олқишлари пенальтилар тепилаётган вақтда футболчиларга наф бермади — 3:4.

Жанубий Корея — Эрон терма жамоалари баҳсида сўнги жаҳон чемпионатининг шов-шувига сабаб бўлган корейс футболчиларининг мусобақа билан хайрлашгани қўлиммаган ҳол бўлди. Гурӯҳ баҳсларида бир неча тажрибали футболчиларнинг баҳслардан четлатилганлигига қарамай, Эрон терма жамоаси ўз рақибини мағлубиятга уратди — 4:3.

Ҳамоюртаримиз билан бир гуруҳдан чорак финалга йўланма олган ироқликлар мезбонлар терма жамоасига жиддий рақиб бўлиши эътироф этилаётган эди. Лекин сўнги учрашуда ироқлик футболчилар Хитой терма жамоасига йирик ҳисобда ютқазиб қўйди — 0:3.

Айни вақтда ҳал қилувчи ўйинга қайси терма жамоаларнинг йўланмани қўлга киритиши ҳақида турфа фикрлар юрибди. Аксарият мутахассис ва мухлислар Хитой ҳамда Япония футболчиларини имкониятларини юқори баҳолаётган бўлсалар-да, Эрон ва Бахрайн терма жамоалари ҳам аниқлардан эмаслигини чемпионат учрашувлари давомида билиб олди. Энг муҳими, тобора поёнига етиб бораётган мусобақа аввалгиларига нисбатан савияси ортанлиги, ҳужумкор руҳда ўтаётганлиги билан ишқибозлар меҳрини қозонмоқда.

Эркин ХОЛБОБО

ШУНДАЙ СИҲАТГОҲ БОР

БУ ЕРДА ДАВОЛАНУВЧИЛАР ШИФОКОРЛАР ХИЗМАТИДАН МАМЎН БЎЛИШМОҚДА



110 ўринли йодли-бромли маъданли сув билан даволашга ихтисослаштирилган «Хонқа» сиҳатгоҳи 2002 йилдан фаолият бошлаган. Бу ерда даволанувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Сиҳатгоҳ хизматчилари дардларига шифо истаб кел-

увчиларни нафақат муолажалари, балки ҳушмуомаласи билан ҳам даволашга ҳаракат қилишади.

— Бизда асосан юрак, қонтомир, суяк ва таянч аъзолари, неврология ҳамда аёллар касалликлари даволанади, — дейди шифокор Шухрат



Собиров.

— Қорақалпоғистоннинг Тўртқул туманиданман, — дейди Индира Ражабова. — Сиҳатгоҳ жамоасининг эътибори, муолажа сифатидан хурсандман. Дардларимга даво топапман.

Суратларда: шифокор Мирзабек Рўзमतов; сиҳатгоҳ тиббиётчиларидан бир гуруҳи.

Шавақат АҚРАМОВ олган суратлар.



Гуруҳ учрашувларида Бахтиёр Ашурматов, Илёс Зейтуллаев сингари етакчи ўйинчиларнинг жароҳат олганлиги, ярим ҳимоячи Ислам Иномовнинг майдондан четлатилганлиги сўнги ўйин олдидан таркибда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Деярли тенг курашлар остида кечган баҳсида ҳимоячиларнинг қўпол хатолари, ҳужумчиларнинг

лари баҳсида аксарият мутахассис ва мухлислар кўнжик қарши вакилларининг имкониятларини юқори баҳолаётган эди. Бироқ учрашув давомида япон футболчилари иорданияликларнинг жиддий қаршилигига дуч келишди. Уйнинг асосий ва қўшимча вақтида дуранг натижа қайд этилди — 1:1. Уз мамлақати терма жамоасининг ушбу уч-

Интер-спорт

ХИТОЙ ОЛИМПИАЧИЛАРИ ОРЗУСИ



Яна бир неча кунлардан кейин Афинада бошланган навбатдаги ёғи Олимпия ўйинларида Хитой спортчилари кўпроқ медаллар жамғариб, фахрли ўринлардан бирини эгаллашни орзу қилишмоқда. Хитойликлар олимпиадага 407 нафар бўлиб борадилар. Улар спортнинг 26 тури бўйича баҳс юрताдилар. Хитой Олимпия делегациясининг раҳбари ўринбосари Ли Фужун: «Кўпроқ медаллар жамғариб, кучли учликдан жой олиш осон эмас. Бойси, совринли ўринлар учун Россия ва АҚШ спортчилари баҳс олиб борадилар», деган фикрда. Хитойликлар кўпроқ ёшлар ва хотин-қизларга катта умид боғлашмоқда. Сабаби, 2008 йилги Олимпия ўйинлари Пекинда ўтказилиб, ўшангача ёшлардан иқтидорли спортчиларни кўпроқ тарбиялаш мўлжалланган. Хитой спортчиларининг ўртача ёши 23 да бўлиб, ёши улугу — камончи Ван Ифу 43 ёшга кирган. Энг ёш қатнашчи, сузувчи Чжан Тянь эса 14 баҳорни қаршилаган. Эслатиб ўтамиз, хитойликлар Сидней Олимпиадасида 28 та олтин, 16 та кумуш, 15 та бронза медалига эга бўлишган эди.

«ЭКОСАН» МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙЎЛИДА

Яқинда «Экология ва саломатлик» дастури доирасида Оролбўйи аҳолисига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Экосан» саломатлик ва мурувват» поезди Бухоро ҳамда Навоий вилоятларига жўнаб кетган эди. Мурувват поездига Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасаруфидоғида тиббий масканлардан 15 нафар, олий тоифали мутахассислар жалб этилди.

Дастлаб, беш кун мобайнида мутахассислар Навоий вилояти аҳолисига, жумладан, нафақадаги, ногирон ва ёлғиз қолган қарияларга, аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатдилар. Шунингдек, маҳаллий шифокорларнинг малакасини ошириш мақсадида маърузалар ташкил этилди.

Саломатлик ва мурувват поезди ўз ишини Бухоро вилоятида ҳам давом эттирди. Тиббиётчилар жами 315 нафар беморга, Навоий, Бухоро шаҳарлари шифохоналарига стационар шароитида даволанишни тавсия этидилар.

Шунингдек, тадбир ташкилотчилари 35 миллион сўмлик инсонларарлик юқини Навоий ва Бухоро вилоятларининг шифохоналари, мактаблари ҳамда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга, ногирон, қарияларга, аёллар, болаларга топширдилар. Мурувват ёрдамига умумреспублика экология ҳаширидан тушган маблағдан ажратилди. Меҳр-мурувват тадбирини ташкил этишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» Акционерлик компанияси яқиндан ёрдам берди ва ҳамкорлик қилди.

Меҳр-мурувват поезди қатнашчилари вилоятларда ўз миссияларини амалга ошириб, Ташкентга қайтиб келдилар. Улар ОАВ ходимлари билан ташкил этилган учрашувда сафар якуни бўйича фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Тадбир сўнггида фалол иштирок этган шифокор-мутахассисларга ЎзДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов фахрий ёрликлар топширди.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири



«Ўзбекистон овози» газетаси тақририятини қондиради «ҚАЛАМКАШ» журналистика ўқув курси

2004-2005 йилги йилги сиҳат асосла 16 ёшдан 45 ёшгача ёшган ёшларга қабил қилинади.

Журналистика соҳаси бўйича отуқ мутахассислар замонавий дастурлар асосида назарий ва амалий машғулотларни олиб борадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ЙИЛ

Манзилими:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 3-қават, 356-хона.
Тел.: 136-55-05. (Ички 55-05, 55-15)

«Ўзбекистон овози» тақририятини

КЎРСНИ БИТИРГАНЛАРГА ҲУҶЖАТ БЕРИЛАДИ

ЎЗБЕКISTON — ТУРКИЯ

«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубалярни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Махсулот сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49. Email: jvsilkroad@inbox.ru

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти жарроҳлик стоматология кафедраси профессори

Саттор Ҳабибуллаевич ЮСУПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Андижон давлат тиббиёт институти ректорати институтининг болалар жарроҳлик кафедраси мудири, профессор

Султон Раҳимович РАҲИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардик билдиради.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Кўчмас мулк эгаси бўлишни истасангиз марҳамат!

«Kimoshdi savdolari agentligi» va «Respublika ko'chmas mulk birjasining Toshkent shahar bo'limi» sizlarni кимошди ва биржа савдоларига таклиф этади.

ҲАР ҲАФТАНИНГ ДУШАНБА, ЧОРШАНБА ВА ЖУМА КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

Объектнинг номи	Объектнинг манзили	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)
Улушлар:		
«Pent-uz» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Низоом жамғармасининг 43,5 фоизлик давлат улуши.	Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 30-бекр кўча, 79-а уй.	1 319 330 500
«Хосият-152» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 35 фоизлик давлат улуши.	Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Лиснов кўчаси, 4-маъве, 22-уй.	4 678 200
«Transmahsusqurilish ta'minot» МЧЖнинг 26 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тол-Ариқ кўчаси, 40-уй	16 471 000
«Taysot» МЧЖнинг 26 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тол-Ариқ кўчаси, 40-уй	26 097 700
«Ozqishloqloviha» МЧЖнинг 25 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чопон-ота, Ц-маъваси	6 667 560
«Ташинтерим» МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Хитой қўшма корхонасининг Низоом жамғармасидаги 58,0 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Дилқаш кўчаси, 2-уй	1 040 909 245
«Rali-Sport» МЧЖ шаклидаги спорт-техника корхонасининг 90 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 6-уй	8 620 560
«Texmahshoiyoxa» МЧЖнинг 25,0% давлат улуши	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 1-уй	889 800
«Ўзсувқурилишбулаш» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 29,9 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Магазин-Мавазук кўчаси, 293-уй	10 883 400
«А-То'лаган» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Катортўп кўчаси, 42-уй	5 892 190
«2-Avtosozlash zavodi» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 7,5 фоизлик давлат активи	Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Худойқўлов кўчаси, 53-уй	15 695 858
«Vatan-Boburshoh» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 5,48 фоизлик давлат активи	Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Лутфий кўчаси, 55-А уй	5 021 840
«Sanoatkonsoalning» МЧЖ шаклидаги ташки иқтисодий консалтинг компаниясининг 90,0 фоизлик давлат активи	Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 51-уй	45 377 280
«Ichta minotrans» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 2-уй	4 715 725
«Tashlavo-sport» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 27,8 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, С.Олимов кўчаси, 22-уй	9 716 510
«O'yo'liq asfalt-beton zavodi» МЧЖнинг 25,0 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тол-Ариқ кўчаси, 40-уй	176 512 077
«Jiak» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 25,0 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, К.Шарипов кўчаси, 11-А уй	2 112 200
«Shaqi guli-savdo» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 35,0 фоизлик давлат активи	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Эски Жува бозори худудида	8 489 200
«Сув-рин» қўшма корхонасининг Низоом жамғармасидаги 48,89 фоизлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нкус кўчаси, 71-уй	437 718 700
«Elpata ta'minot» МЧЖнинг Низоом жамғармасидаги 35,2 фоизлик давлат луши	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 10-уй	30 980 118
«Qora-Qamish dehqon bozori» МЧЖнинг 35,1 фоизлик давлат активи	Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Урозбоев кўчаси, 21-уй	418 051 200

Муурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbob SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona»)
Nomo SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPIBERGENOV
Musiliddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abduqani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 133-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-55 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va o'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Farroh HAMROEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Shaqi» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida OOB-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961

7748 nusxada bosildi

t — Tijorat materiali
O'ZA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 23.45
2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA